# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**20-21-сон (208-209) 2006 й. май**


*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*


171. «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги ПҚ–350-сон қарори

172. «2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги ПҚ–351-сон қарори

173. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 майдаги ПҚ–353-сон қарори

174. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори

*Учинчи бўлим*

175. «Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир иш режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 майдаги 84-сон қарори

176. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 майдаги 86-сон қарори

177. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг гувоҳномалари бланкалари тайёрлашни моддий-техник таъминлаш ва ташкил этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 майдаги 87-сон қарори

178. «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги 89-сон қарори

179. «Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 майдаги 90-сон қарори

180. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 майдаги 91-сон қарори

181. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

182. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 17, 2006-16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 майда 1238-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

183. «Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» Холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 17 майдаги 45, 2006-22-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 майда 1526-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

184. «Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 14 февралдаги 26-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 майда 1574-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

185. «Фойдали қазилмаларни майдалаш, саралаш, бойитиш ҳамда руда ва концентратларни бўлаклашда ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 14 февралдаги 27-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 майда 1575-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

186. «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/11-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 майда 1304-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

187. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 3 апрелдаги 01-02/20-4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 майда 1271-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 13 майдан 26 майгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 171 Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда устувор инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркибида тегишли лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тавсияномалар берилиши учун масъул бўлган эксперт гуруҳи ташкил қилинади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади, мақоми бўйича эса Вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолияти Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган ҳаражатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминланади.

2. Қуйидагилар:

бошқарув ходимлари сони 15 нафардан иборат бўлган Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, ҳар ойда Жамғарма ҳисобига:

республиканинг айрим стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўлиб, ортиқча фойдадан олинадиган солиқлар, ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тарзида республика бюджетига режадан ортиқча тушадиган маблағлар;

ҳар йили Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қимматбаҳо металларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар ўтказиб борилади.

Шу билан бир қаторда, келиб тушишига қараб Жамғарма ҳисобига:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

---

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

Жамғарма активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан олинадиган инвестиция даромадлари ўтказилади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларда чет эл валютасида шакллантирилади;

Жамғарма молиялаштиришни таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ва ўзини қоплаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш шартлари ва Жамғарма маблағларини қайтариш механизми тўғрисида ваколатли банклар билан имзоланадиган бош битимлар асосида амалга оширади;

Жамғарма томонидан ваколатли банкларга бериладиган кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаси йилига 6 фоизгача табақалаштирилган миқдорларда белгиланади.

5. Жамғарма активларининг барқарорлиги ва уларнинг даромадлилигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма билан ишончли бошқарув тўғрисидаги бош битим асосида Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларига жойлаштиришни амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бир ой муддатда:

Жамғарманинг бўш қолдиқларини хорижий молия воситаларига, инвестиция оперцияларига жойлаштириш тартибини, жумладан Жамғарма маблағларининг бир қисмини ишончли ташқи бошқарувчи томонидан бошқаришга топширишни белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тасдиқлаш учун киритсин;

Жамғарма манбаларидан бири сифатида — алоҳида солиқ ставкалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини шакллантириш Тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси зарур алоқа воситалари билан таъминланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биносига жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 16 май,
ПҚ—350-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 16 майдаги
ПҚ–350-сонли қарорига
2-ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисида НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сонли Фармонига мувофиқ ташкил этилган. Жамғарма Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишдан иборат.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилиб, юридик шахс ҳуқуқларига, ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳисобварақ, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган муҳрига эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тимсолида Жамғарма муассиси ҳисобланади. Тижорат банклари, хорижий жамғармалар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор тузилмалар ҳам Жамғарма муассислари бўлишлари мумкин.

5. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҚККМда Жамғарманинг махсус ҳисобварақларида жамланади.

6. Жамғарма лойиҳаларни молиялаштириш (қўшма молиялаштириш)ни:

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш қарори билан рўйхати тасдиқланадиган ваколатли банкларнинг (кейинги ўринларда — тижорат банклари) буюртманомаларига биноан муддатли, тўловли ва қайтариш асосида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган буюртманомаларига биноан — грант асосида амалга оширади.

7. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

8. Жамғарма манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй.

## II. Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаб бориш;

иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилишдаги устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;

стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналарни, биринчи навбатда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръат ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузулмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини молиялаштириш;

республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишни таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни таъминлаш.

10. Юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Жамғарма қуйидаги функцияларни бажаради:

навбатдаги йил учун мўлжалланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастурининг асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда Жамғарма маблағларининг келиб тушиш ва улардан фойдаланиш прогнозларини ишлаб чиқади ва белгиланган муддатларда Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тақдим этади;

молиялаштириш шартлари ва Жамғарма маблағларини қайтариш механизми тўғрисида тижорат банклари билан имзоланадиган бош битимлар асосида ҳар бир тижорат банки учун ҳар йили белгиланадиган лимитлар доирасида молиялаштиришни амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ва тижорат банкларига берилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб боради ҳамда келиб тушиш манбалари ва улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари бўйича Жамғарма маблағларининг ҳисобини юритади;

тижорат банкларида очилган ҳисобварақлар ва улар бўйича амалга оширилаётган операциялар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, тижорат банклари ва қарз олувчи корхоналар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини ўрганади.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширади;

Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради ёки белгиланган тартибда таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузади;

Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

## III. Жамғармани бошқариш

11. Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Жамғарманинг юқори бошқарув органи ҳисобланади, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

12. Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади;

Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқади ҳамда уларни навбатдаги йилга мўлжалланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичларининг асосий параметрлари, Давлат бюджети ҳамда Давлат инвестиция дастури билан боғлиқ ҳолда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади;

қарз олган корхоналарни қайта молиялаштириш (қўшма молиялаштириш) учун тижорат банкларига Жамғарма маблағларини бериш муддатлари ва шартлари бўйича қарорлар қабул килади, халқаро сармоя бозорларида амал қилаётган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб Жамғарма томонидан берилаётган маблағлар бўйича фоиз ставкаларининг аниқ миқдорларини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолияти, айниқса Жамғарма маблағларининг мақсадли йўналтирилганлиги, тижорат банкларига молиялаштиришни ўз вақтида очиш ҳамда уларга берилган маблағларнинг кайтарилишини таъминлаш устидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларининг ишлатилиши тўғрисида Жамғарма ижро этувчи директорининг ҳамда қарз олган корхоналар томонидан Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боради;

Жамғармага активларни бошқариш, экпертиза қилиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни жалб қилади.

13. Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижроия органи ҳисобланади, унинг таркиби ва сони ўрнатилган тартибда белгиланади.

14. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолияти билан боғлиқ харажатлар Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

15. Ижро этувчи дирекция:

Жамғармага маблағларнинг келиб тушиш ва улардан фойдаланиш прогнозларини ишлаб чиқади;

қарз олувчи корхоналарни қайта молиялаштириш учун муддатли, тўловли ва қайтариш шартлари асосида тижорат банкларига молиявий маблағларни тақдим этади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, тижорат банкларига берилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши устидан тизимли равишда мониторинг олиб боради;

тижорат банкларида очилган ҳисобварақлар ҳолати ва улар бўйича амалга

оширилаётган операциялар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда, қарз олувчи корхоналар томонидан Жамғарма кредитлари бўйича мажбуриятларининг бажарилиши масалалари юзасидан улар фаолиятининг мониторингини олиб боради.

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ишлаб чиқади ва Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан маъқуллангандан сўнг уни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ҳисоб палатасига тақдим этади.

16. Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, мақоми бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

17. Жамғарманинг ижро этувчи директори:

ижро этувчи дирекция фаолиятини Жамғарма зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларга мувофиқ ҳолда ташкил этишга шахсан масъулдир;

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш билан келишган ҳолда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан белгиланган тартибда текширувлар ташкил қилади, уларнинг натижаларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамғарма аппарати таркибида тегишли лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тавсиялар беришга масъул бўлган юқори малакали экспертлар гуруҳи ташкил қилинади.

## IV. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва тартиби

19. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

республиканинг айрим стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўлиб, ортиқча фойдадан олинадиган солиқлар, ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тарзида республика бюджетига режадан ортиқча тушадиган маблағлар;

ҳар йили Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қимматбаҳо металларга белгиланадиган чегара нархидан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар;

Ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан олинадиган инвестиция даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан бир қаторда, тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар, шунингдек бошқа манфаатдор идоралар ҳам бўлиши мумкин бўлган муассисларнинг бадаллари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

20. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларда чет эл валютасида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма ҳисобварақларига мазкур Низомнинг 19-бандида кўрсатилган манбалардан тушган маблағларни улар тушган куни амалда бўлган Марказий банкнинг алмашув курси бўйича чет эл валютасига конвертация қилади ва Жамғарманинг валюта ҳисобварағига ўтказади.

21. Солиқ ва тўловларнинг айрим турлари бўйича маблағларни Жамғарма ҳисобварағига ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Жамғарма маблағлари тушуми манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари ҳар йили белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилади ва Жамғарма балансида акс эттирилади.

## V. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

23.Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

а) аввало ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик, рангли металлургия ва иқтисодиётнинг бошқа базавий тармоқларида, шунингдек транспорт ва телекоммуникация соҳасида Давлат инвестиция дастурига киритилган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан халқаро ва хорижий молиявий институтлар иштирокидаги лойиҳаларда Ўзбекистон Республикаси улушини қўшма молиялаштириш;

б) биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳаларини, Давлат бюджети ва инвестиция дастурининг тасдиқланган параметрлари доирасида, грант асосида молиялаштириш (қўшма молиялаштириш);

в) тижорат банклари билан биргаликда қарз олувчи корхоналарнинг инвестиция дастури (бизнес-режалари)ни, шу жумладан ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларининг ишлатилишини кўпайтириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда қўшилган қиймат ўсишини таъминлашга имконият берувчи лойиҳаларни қўшма молиялаштириш;

г) Жамғармани бошқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

24. Маблағларни бериш муддати ва шартлари Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш қарори билан белгиланади. Жамғарма томонидан ваколатли банкларга бериладиган кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаси йилига 6 фоизгача табақалаштирилган миқдорларда белгиланади.

Тижорат банки маржасининг энг юқори чегараси Жамғарма ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида белгиланади.

Ажратилган маблағларнинг қайтарилиши тижорат банклари томонидан кечиктирилган ҳолатларда ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати кечиктирилган тўловлар бўйича қарздорлик суммасининг 0,01 фоизи миқдорида (қарзга олинган маблағлар ҳажмининг 10 фоизидан ошмаган ҳолда) пеня ундирилади.

25. Тижорат банкларига ажратиладиган кредит маблағларининг ҳажми уларнинг буюртманомалари асосида белгиланади ва ушбу буюртманомаларда қарз олувчи корхоналарнинг кредит олиш учун тижорат банки томонидан маъқулланган лойиҳалар маблағларининг умумий миқдори акс эттирилади.

Тижорат банкларига ҳар бир лойиҳа (модернизация, қайта қуриш ёки ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш) учун бериладиган кредит ҳажми лойиҳа қиймати умумий миқдорининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

Қарз олувчи корхоналар (ташкилотлар)га кредит бериш Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш шартлари, кўриб чиқиш тартиби ва экспертизаси тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириб борилади.

26. Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тижорат банкларининг буюртманомаларини кўриб чиқиш муддати ариза олинган кундан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим. Ушбу муддатда Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш тижорат банки томонидан таклиф қилинган лойиҳани молиялаштириш тўғрисида ижобий қарор чиқаради ёки тижорат банкига ёзма равишда асосланган раддиянома беради.

27. Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг ижобий хулосаси қабул қилинганидан сўнг Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси 5 иш куни мобайнида тижорат банки билан кредит шартномасини тузади.

Кредит шартномасида тижорат банкига берилаётган кредит ресурсларининг миқдори, фоиз ставкаси ва мақсади (йўналтириш манзили), муддати ва шартлари, шунингдек томонларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда бошқа масалалар акс эттирилади.

28. Жамғарманинг бўш маблағлари кейинчалик уларни юқори ликвидли ҳамда ишончли хорижий молия воситаларига жойлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ишончли бошқарув учун белгиланган тартибда ўтказилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар чоракда Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга Жамғарма маблағларини ишончли бошқариш натижалари, жумладан операциялар бўйича даромадлилик, ҳисобот даврида олинган даромад миқдори, жойлаштирилган Жамғарма маблағлари портфели таркиби, фоиз ставкаларининг жорий холати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

## VI. Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш

30. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, тижорат банклари ва бошқа идоралардан олинган дастлабки маълумотлар ҳамда ҳисобот даврида ўтказилган тизимли мониторинг асосида кейинги календарь йил учун Жамғармага маблағлар келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнози лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда уни Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш тасдиқлаши учун тақдим этади.

31. Жамғарма маблағларининг келиб тушиши ва улардан фойдаланишнинг прогноз лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инвестиция дастурининг келгуси йил параметрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Республиканинг стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўладиган прогноздан юқори тушумларнинг пул массаси ҳажмига ва инфляция даражасига таъсирини бартараф қилиш мақсадида Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг юқори чегараси асосий макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичларининг прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

32. Жамғарма маблағлари келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозлари-

да умуман прогноз қилинаётган йил учун, шу жумладан чораклар бўйича қуйидагилар акс эттирилади:

жумладан, ҳар бир манба бўйича маблағ тушумларининг умумий ҳажми;

устувор инвестициявий ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни, қарз олувчи корхоналарнинг инвестиция дастурларини молиялаштириш, олинаётган узоқ муддатли кредит ва инвестицияларга хизмат кўрсатиш ҳамда Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини молиявий таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашга маблағлар ажратиб бериш бўйича сарф-харажатлар.

## VII. Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

33. Жамғарманинг ҳуқуқлари:

а) тижорат банклари ҳамда қарз олган ташкилотларда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан текширувлар ўтказиш;

б) Жамғарма маблағларининг мақсадли фойдаланилиши мониторингини олиб бориш учун зарур бўладиган маълумотларни, жумладан, Жамғарма томонидан ажратилган маблағлар ишлатилишининг ҳолати ва прогнози тўғрисидаги ҳамда бошқа маълумотларни тижорат банкларидан олиш;

в) лойиҳаларнинг бирламчи техник-иқтисодий асосланганлигини кўриб чиқиш, шу жумладан Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали фойдаланилиши мониторинги ҳамда текширувини олиб бориш мақсадида юқори малакали мустақил экспертлар ва соҳа мутахассисларини жалб қилиш.

34. Жамғарма мажбуриятлари:

а) юклатилган вазифаларга мувофиқ ҳолда:

Жамғарма маблағларини жалб этиш ва жамлашга қаратилган ишларнинг олиб борилишини;

Жамғарма маблағларининг аниқ белгиланган мақсадларга йўналтирилишини таъминлаш.

б) Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга чораклик ва йиллик ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиш.

## VIII. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун жавобгарлик ва уни назорат қилиш

35. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси зиммасига Жамғарма маблағларининг қатъиян мақсадли ва қонуний йўналтирилиши, шунингдек бухгалтерлик ҳисобининг юритилиши ва Жамғарма фаолияти бўйича ҳисоботларнинг тузилиши учун жавобгарлик юкланади.

36. Тижорат банклари Жамғарма маблағларидан тўғри ва мақсадли фойдаланиш ҳамда уларни ўз вақтида қайтариш учун масъулдирлар.

37. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларининг мақсадли йўналтирилиши мониторингини доимий равишда белгиланган тартибда ўтказиб боради.

Тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағларининг мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, мақсадга номувофиқ фойдаланилган маблағларнинг умумий ҳажми муддатидан олдин ундириб олиниб, Жамғарма ҳисобварағига ўтказилади ҳамда Жамғарма ва тижорат банки ўртасида тузилган шартномада белгиланган жарима санкциялари қўлланилади.

38. Жамғарма маблағларининг Жамғарма ижро этувчи дирекцияси томонидан қонуний ва қатъиян мақсадли йўналтирилиши устидан назорат Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан амалга оширилади.

39. Жамғарманинг ҳар йилги аудити мустақил халқаро аудитор томонидан амалга оширилади, Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши ва фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси томонидан текшириб турилади.

40. Тижорат банклари томонидан ўз вақтида қайтарилмаган Жамғарма маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

41. Жамғармани қайта тузиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 172 2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш ҳамда давлат ресурсларига ғалла сотиш бўйича контрактация шартномаларини бажариш мақсадида:

1. Дон ҳосили ўрим-йиғимини тегишли равишда ташкил этиш ва талаб даражасида амалга ошириш, шунингдек ғалла ўриш комбайнларидан самарали фойдаланиш учун шахсий жавобгарлик Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси ва унинг машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмалари раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис» уюшмаси ва унинг машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмалари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси:

ғалла ўриш комбайнларини, дон ташиш учун жалб этиладиган барча турдаги транспорт воситаларини, шунингдек дон йиғиладиган хирмон ва майдонларни, дон тозалаш машиналари ҳамда ғаллани дастлабки қайта ишлаш учун зарур бўлган бошқа моддий-техника базасини тайёрлаб қўйишни жорий йилнинг 25 майигача тугаллаш бўйича ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини;

тайёрлов корхоналари ва пунктларида хўжаликлардан ғаллани фақат дастлабки тозалангандан кейин, ифлослиги ва намлиги амалдаги стандарт нормативлардан ортиқ бўлмаган ҳолдагина қабул қилинишини;

идоравий мансублигидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларнинг дон қабул қилиш пунктларига ғалла ташиш учун яроқли бўлган транспорт воситалари шартнома асосида жалб этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси билан биргаликда хўжаликлар билан — давлат эҳтиёжлари учун харид килинаёт-

ган ғалла учун, машина-трактор парклари билан — кўрсатилган механизация хизматлари ва ғалла ўриш комбайнлари операторларига иш ҳақи тўлаш учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминласинлар.

3. «Ўзагромашсервис» уюшмаси ғалла ўрим-йиғим техникаси мавжуд паркининг, айниқса юксак унумли комбайнларнинг тайёрланишини таъминласин ҳамда эҳтиёт қисмларнинг зарур захирасини яратсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинлар келиб чиқишининг олдини олиш, шунингдек 2006 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилининг талон-торож қилинишига ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

Шудгорлашга тайёрлашдан олдин тозалаш мақсадида далалардаги экин поялари ва қолдиқлари ёқиб юборилиши қатъиян тақиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантлари контингентини иловага биноан тақсимланишига мувофиқ вилоятлар ички ишлар бошқармалари ихтиёрига юборсин.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртманомалари бўйича, тингловчилар ва курсантларни вақтинчалик ўрнашиш жойига ташиш ва дон йиғиштириш тугаллангандан кейин уларни олиб келиш учун транспорт воситалари зарур миқдорда ажратилишини таъминласинлар.

Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари:

ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тингловчилари ва курсантларини вақтинчалик ўрнашиш жойига ташиш ва дон йиғиштириш тугаллангандан кейин уларни олиб келиш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида тегишли шартномалар тузилишини;

тингловчилар ҳамда курсантларни вақтинчалик яшаш жойлари, шунингдек озиқ-овқатлар, уларни ташиш учун транспорт ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан — ғаллачилик хўжаликлари маблағлари ҳисобига таъминласинлар.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ёнилғи-мойлаш материалларининг зарур захирасини яратсинлар ва лимит бўйича ажратилган дизель ёнилғиси қийматининг 30 фоизи, биржа савдолари орқали сотиб олинадиган бензин, суюлтирилган газ ва дизель ёнилғиси қийматининг 100 фоизи олдиндан тўлангандан кейин ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш ва тайёрлаш билан банд бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари, машина-трактор парклари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда узлуксиз етказиб берилишини ташкил этсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўздавдонинспекция» давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган ғалла ва уруғлик материали сифати устидан тегишли назорат ўрнатсинлар.

8. Уруғлик ғаллани давлат ресурслари учун харид қилинадиган товар ғалланинг умумий ҳажми ҳисобига топшириш, шунингдек товар ғалладан уруғлик мақсадларида фойдаланиш қатъиян тақиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари 2007 йил ҳосили учун бошоқли дон

экинлари уруғлигининг ўз вақтида ва сифатли ғамланиши учун шахсан жавоб берадилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хўжаликлар томонидан дон сотиш тўғрисидаги статистика ҳисоботларининг ишончлилигини дон қабул қилиб олиш корхоналари бўйича мунтазам равишда текшириб борсин, ҳисоботни бузиб кўрсатишнинг аниқланган ҳолатлари тўғрисида тезкорлик билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 17 май,
ПҚ–351-сон

Ўзбекистан Республикаси
Президентининг 2006 йил 17 майдаги
ПҚ–351-сон қарорига
ИЛОВА

## 2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари тингловчилари ва курсантларининг тақсимланиши

| Вилоятлар | Таълим муассасасининг номи | Тингловчилар ва курсантлар сони |
|---|---|---|
| Жиззах | Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби | 100 |
| Қашқадарё | Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти | 150 |
| Сирдарё | Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти | 100 |
| Тошкент | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси | 150 |
| **Жами** | | **500** |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 173 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси худудига фойдаланилган автотранспорт воситалари олиб кирилишини тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарорининг 12-2-рақамли иловасига иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

Белгилансинки, киритилган ўзгартишлар 2006 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга киради.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 20 май,
ПҚ–353-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 174 Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилсин, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

2. Қуйидагилар белгилансин:

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади;

ариза — хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

3. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий-техника базасини хатловдан ўтказсин ҳамда уни мустаҳкамлаш, жумладан, зарур хоналар, компьютер техникаси ва тегишли ахборот материаллари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2006 йилнинг 1 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилганлиги тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

рўйхатга олувчи органларда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатига олиш учун зарур бўлган статистик кодлар келтирилган статистика классификаторлари мавжуд бўлишини таъминласин;

2006 йилнинг 1 сентябригача тадбиркорлик субъектлари томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатида айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни олиш сўровномаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун зарур моддий-техника базасини яратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда мақолалар чоп этилишини таъминласин, телекўрсатувлар туркумини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда минтақаларда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг асосий йўналишлари бўйича аҳолини ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви тегишли органлари ходимларини кенг жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 май,
ПҚ–357-сон

# УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 175 Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир иш режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга оширилиши мониторинги марказини ташкил қилиш тўғрисида» 2005 йил 15 декабрдаги ПҚ–237-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир иш режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари кўрсатиб ўтилган Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда 2006 йил 15 июнгача бўлган муддатда, Ҳукуматнинг 2006 йилги қонун лойиҳаларига доир иш режасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга оширилиши мониторинги марказига қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳукуматнинг 2006 йилги қонун лойиҳаларига доир иш режаси лойиҳасини жорий йилнинг 15 июлигача Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 15 май,
84-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 15 майдаги 84-сон қарорига
ИЛОВА

## Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир иш режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир иш режаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

2. Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир иш режалари (кейинги ўринларда Режалар деб юритилади) жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг устувор вазифалари ҳамда йўналишларига мувофиқ, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини ривожлантириш концепциялари ва дастурлари асосида жорий ва узоқ муддатли истиқболни кўзлаб шакллантирилади.

3. Режалар лойиҳалари, қоидага кўра бир йил учун ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ Режалар лойиҳалари узоқ муддатли истиқбол учун ишлаб чиқилади.

4. Режаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг комплекслилигини ва ўзаро бирбирини тўлдиришини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, фаолиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳаларида демократик ўзгартиришларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонун лойиҳаларини тайёрлаш назарда тутилиши керак.

5. Режаларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир иш режалари (режалар лойиҳалари), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларида, Ҳукумат қарорларида назарда тутилган қонун лойиҳалари, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш дастурлари ҳисобга олинади.

6. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентини Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолияти тўғрисида, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича топшириқларининг бажарилиши ҳақида хабардор қилиб боради.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ва улар билан ўзининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

### II. Режаларни тайёрлаш ва қабул қилиш

8. Режалар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилади.

Режалар лойиҳалари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг таклифларини умумлаштириш асосида ишлаб чиқилади.

Режалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши мониторинги маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

9. Адлия вазирлиги ва Марказ Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашга доир ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича Комиссия, давлат муассасалари ва илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

10. Режалар лойиҳаларига киритиш учун Марказга тақдим этиладиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифларда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

қонун лойиҳасининг шартли номи;

қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурлигининг асосланиши ва ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда кутиладиган натижалар;

қонун лойиҳасини тайёрлаш учун масъул органнинг номи ва қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ҳамижрочилар рўйхати;

қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш муддати ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишнинг тахминий муддати.

11. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни, илмий жиҳатдан асослашни ҳамда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифларни Марказга ўз вақтида тақдим этишни амалга оширадилар.

12. Кейинги йил (ундан кейинги йиллар) Режа лойиҳасига киритиш учун қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифлар ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган давлат органлари, давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Марказга жорий йилнинг 1 октябридан кечикмай тақдим этилади.

13. Тегишли ташкилотларнинг таклифлари асосида Адлия вазирлиги 1 декабрдан кечикмай кейинги йил (ундан кейинги йиллар) учун Режани тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқишни, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан келишишни таъминлайди ҳамда уни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йил (ундан кейинги йиллар) учун Режани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори жорий йилнинг 25 декабридан кечикмай қабул қилинади.

Кейинги йил (ундан кейинги йиллар) учун Режани тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш, Ҳукуматга киритиш ва уни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

14. Қабул қилинган Режалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига жўнатилади.

15. Тасдиқланган Режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Олий мажлис

палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таклифига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Адлия вазирлигининг Режаларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлари ҳам унинг ўз ташаббусига кўра, ҳам манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида киритилади.

## III. Режаларнинг ижроси мониторинги

16. Тегишли органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Режаларда назарда тутилган қонун лойиҳаларининг сифати ва уларни тайёрлаш муддатларига риоя қилиниши учун шахсан жавоб берадилар.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш учун масъул орган раҳбари:

қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил қилади, ҳамижрочи органлар ва ташкилотлар ишларини мувофиқлаштиради, ишларга манфаатдор ташкилотлар вакилларини жалб этади ва келишилган қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

зарур ҳолларда манфаатдор ташкилотлар, шу жумладан нодавлат нотижорат ва илмий-тадқиқот муассасалари вакилларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлар ташкил қилади;

Вазирлар Маҳкамасига қонун лойиҳасини тайёрлашнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда ахборот беради ва Ҳукумат қарорини талаб қиладиган масалалар бўйича таклифлар киритади;

ҳар чоракнинг дастлабки ойи биринчи кунидан кечикмай Марказга Режаларнинг ўзи томонидан бажарилиши тўғрисида ахборот жўнатади.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради ва унга методик жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади.

18. Режалар ижроси мониторинги Марказ томонидан амалга оширилади.

19. Режалар ижроси мониторинги қонун лойиҳасини тайёрлаш муддатларига, белгиланган тартибига риоя қилиниши юзасидан, шунингдек уларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади ва вазифаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш талабларига, халқаро нормалар ва стандартларга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда қонунларига мувофиқлигини баҳолаш учун амалга оширилади.

20. Режалар ижроси мониторингини амалга ошириш учун Марказ қонун лойиҳаларига доир ишлар масалалари бўйича ахборотларни сўраб олади, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларини белгиланган тартибда жалб этади, қонун лойиҳаларига доир ишларнинг бажарилишини текширади, статистик ҳамда бошқа ахборотларни таҳлил қилади ва умумлаштиради.

21. Адлия вазирлиги ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача Вазирлар Маҳкамасига қонун лойиҳаларига доир ишларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот беради.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш муддатлари бузилган тақдирда Адлия вазирлиги тегишли чора-тадбирлар кўриш учун бу тўғрида Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 176 Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон қарорининг 3-бандидаги «ҳар икки йилда бир марта» сўзлари «ҳар йили» сўзлари билан алмаштирилсин;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорининг 2-бандидаги 3-хатбоши чиқариб ташлансин;

мазкур қарорнинг иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомнинг 24-бандидаги «ҳар икки йилда» сўзлари «ҳар йили» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 16 май,
86-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 177 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг гувоҳномалари бланкалари тайёрлашни моддий-техник таъминлаш ва ташкил этиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг гувоҳномалари бланкалари тайёрлашни моддий-техник таъминлаш ва ташкил этиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари гувоҳномаларининг ҳар йили тайёрланадиган бланкалари умумий сони қонун ҳужжатларида белгиланган ёшга тўлган шахсларнинг жорий статистик ҳисоби маълумотлари бўйича прогнозлардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортлари ва гувоҳномаларини олиш ва алмаштириш учун бошқа асослардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортлари ва 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари гувоҳномаларини тайёрлашни ташкил этиш тартиби белгилансин, бунда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар йили 1 апрелгача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олиш ёки алмаштириш учун асос ҳисобланадиган 16, 25 ва 45 ёшга тўлган шахслар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 1 апрелгача Ички ишлар вазирлигига олдинги икки йил учун Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш барча органлари бўйича рўйхатдан ўтказилган никоҳлар, ажралишлар сони ва фамилиянинг ўзгариши ҳамда исми ва отасининг исми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олдинги даврдаги фаолият таҳлилига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Адлия вазирлигидан олинган маълумотларга мувофиқ ҳар йили белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига паспортлар ва гувоҳномалар бланкалари тайёрлашга бўлган эҳтиёж прогнозини тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили паспортлар ва гувоҳномалар бланкалари тайёрлашни моддий-техник таъминлаш ва ташкил этиш учун республика бюджетидан маблағ ажратилишини назарда тутади;

«Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомалари бўйича паспортлар ва гувоҳномалар бланкалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида:

паспортлар ва гувоҳномаларни расмийлаштириш ва чоп этиш учун махсус асбоб-ускуналар;

192 минг АҚШ долларига ва 51,1 минг еврога паспортлар ва гувоҳномаларни расмийлаштиришда фойдаланиладиган эҳтиёт қисмлар ва махсус материаллар сотиб олсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий паспортлар тайёрлашнинг моддий-техник ва молиявий масалалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини улар билан таъминлаш тўғрисида» 1996 йил 21 августдаги 293-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 16 май,
87-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 178 Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида

Ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш самарадорлигини ошириш, уларнинг жамиятга интеграциялашувини кенгайтириш, эҳтиёжманд ногиронларни сифатли протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш ва тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий марказини ҳамда Таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика марказини бирлаштириш йўли билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тиббий, ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш, ногиронларни протезлаш ва уларнинг меҳнатга лаёқатлилигини тиббий-меҳнат экспертизасидан ўтказиш тадбирлари комплексини амалга ошириш;

ногиронлик, тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш ҳамда ногиронларни протезлаш ва уларнинг меҳнатга лаёқатлилигини тиббий-меҳнат экспертизасидан ўтказиш муаммолари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш;

ногирон қиладиган асосий касалликларга чалинган ногиронларни соғломлаштириш индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш;

минтақавий марказлар ва тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Марказнинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Марказ тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Марказ Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази ҳамда Таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика марказининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Марказ фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бир ой муддатда:

Марказ тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази ҳамда Таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика марказининг асосий фондлари, товар-моддий захиралари ва бошқа бойликлари Марказ балансига берилиши-қабул қилиб олинишини таъминласин;

Марказнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб қилган ҳолда қайта ташкил эти-

лаётган марказлар ходимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда Марказнинг юқори малакали ва тажрибали мутахассислар билан бутланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 17 май,
89-сон

178-модда

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 17 майдаги 89-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 17 майдаги 89-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 11-модда) «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази ҳамда Таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика маркази» сўзлари «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига 1-илованинг 14-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда):

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи—ўн иккинчи хатбоши тегишли равишда олтинчи—ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 179 Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2005 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–12-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига (Ўзбекистон Рес-

публикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 86-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 18 май,
90-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 18 майдаги 90-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ва ҳудудий архитектура-қурилиш назорати инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса — энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваригача миқдорда жарималар солиш ҳуқуқига эга»;

б) 7-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10 фоиз — «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унга идоравий мансуб ҳудудий давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига йўналтирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 180 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 3 апрелдаги ПҚ–316-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки қарори, шунингдек Ҳукумат қарори билан тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун уларни экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади):

иқтисодиётнинг базавий тармоқлари — нефть-газ саноати, геология, энергетика, кимё, металлургия, машинасозлик корхоналарини, шунингдек йирик объектлар ва гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги ПҚ–316-сон қарорида белгиланган баҳолаш мезонлари ва талаблар асосида экспертизадан ўтказади;

мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва техник жиҳатдан мумкинлиги тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилиш имконини берувчи асосланган тавсиялар тайёрлайди.

2. Бюро директори ва экспертлари лойиҳаларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ҳамда улар юзасидан киритилган тавсияларнинг асосланганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда вазирликлар ва идоралар томонидан

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бюро директори — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 май,
91-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 22 майдаги 91-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Бюрода Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки қарори, шунингдек Ҳукумат қарори билан тасдиқланиши лозим бўлган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун уларни экспертизадан ўтказишни ташкил этиш ва тавсиялар тайёрлаш тартибини белгилаб беради.

2. Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари:

нефть-газ саноати, геология, энергетика, кимё, металлургия, машинасозлик корхоналарини, шунингдек йирик объектлар ва гидротехника иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ бўлган;

мақсадли давлат дастурлари ва концепцияларга киритилган;

улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилиши назарда тутиладиган;

марказлаштирилган манбалар ресурслари ҳисобига ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остида хорижий кредитлар жалб этилган ҳолда амалга ошириладиган;

маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга ошириладиган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳалари Бюрода экспертизадан ўтказилиши шарт.

3. Бюро экспертизани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат қарорларига, шунингдек экс-

пертизанинг комплекслилиги, холислиги, мустақиллиги принципларига ва мазкур Низомга амал қилади.

## II. Мақсадли дастурлар, концепциялар лойиҳалари ва инвестиция таклифлари бўйича Бюрога ҳужжатларни (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳалари) ва материалларни (ҳисоблаш, асослаш) тақдим этиш тартиби

1. Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида дастурлар, концепциялар лойиҳалари ва инвестиция лойиҳалари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иш тартибига қатъий мувофиқ равишда белгиланган муддатларда бажарувчи — асосий ишлаб чиқувчи (комиссия, гуруҳ, вазирлик ёки идора, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаменти) томонидан пухта ва ҳар томонлама ишлаб чиқилгандан кейин Бюрога экспертизадан ўтказиш учун киритилади.

Комплект бўлмаган ва норматив талабларга жавоб бермайдиган ҳужжатлар ва материаллар экспертизадан ўтказилмайди, бу ҳақда Бюронинг директори уч кун муддатдан кечикмасдан экспертизани амалга ошириш рад этилишининг аниқ сабабларини асослаган ҳолда лойиҳанинг асосий ишлаб чиқувчисини ёзма равишда хабардор қилади.

2. Экспертизадан ўтказиш учун асосий ишлаб чиқувчи томонидан Бюрога қуйидаги асосий ҳужжатлар тақдим этилади:

мақсадли дастур, концепция лойиҳаси ва инвестиция лойиҳаси унга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳужжатнинг нусхаси;

мақсадли дастур, концепция лойиҳаси ва инвестиция лойиҳаси (таклифи) лойиҳаси;

зарур ҳисоблаб чиқилган асослашлар;

тушунтириш хати;

иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертиза ваколатли органларининг хулосаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони, Қарори, Фармойиши ёки Ҳукумат қарори лойиҳаси;

лойиҳани тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишиш варақаси.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан биргаликда Бюрога Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мутасаддилик қилувчи ўринбосари имзоси билан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексининг лойиҳа бўйича хулосаси ҳам тақдим этилади.

3. Зарурият бўлганда, Бюро тармоқ хусусиятини ва лойиҳанинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилаётган ҳужжатларга тегишли қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

4. 2-бандда кўрсатилган ҳужжатлар асосий ишлаб чиқувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки нусхада:

бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ пухта ишлаб чиқиш учун тегишли Ахборот-таҳлил департаментига, иккинчи нусхаси мазкур Низомга мувофиқ экспертизани амалга ошириш учун Бюрога тақдим этилади.

5. Тегишли Ахборот-таҳлил департаментида ва Бюрода киритилган ҳужжатларни кўриб чиқиш, пухта ишлаш ва экспертизадан ўтказишда экспертизанинг мустақиллиги ва холислиги принципларига қатъий риоя қилинади.

## III. Мақсадли дастурлар, концепциялар лойиҳалари ва инвестиция таклифларини экспертизадан ўтказиш ва улар бўйича тавсиялар тайёрлаш тартиби

1. Бюрода мақсадли дастурлар ва концепциялар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш мазкур Низомга илова қилинган Схемада белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Инвестиция лойиҳаларини (таклифларини) экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига ва мазкур қарорга 2-иловага қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

3. Лойиҳаларни Бюрода экспертизадан ўтказиш:

лойиҳа бўйича инвестиция харажатларининг амалга ошириладиган ишларга мувофиқлигини, таклиф этилаётган ишлаб чиқариш технологиясининг асосланганлигини ва ишлаб чиқариш циклининг яхлитлигини ва тугалланганлигини баҳолаш асосида, ватанимиздаги ва хориждаги энг яхши ана шундай лойиҳалар билан қиёслаш асосида;

ҳар томонлама асосланган замонавий технология танланганлигини, маҳаллийлаштириш ва бутловчи буюмлар, ёқилғи-энергетика, хом ашё ва табиий ресурслар билан таъминланганлик даражасини баҳолаш, уларни оқилона сарфлаш талабларига риоя қилиниши ҳисобга олинган ҳолда;

талаб этиладиган, шу жумладан импорт бўйича олинадиган саноат қурилмалари, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар рўйхатининг техник даражага ва таклиф этилаётган технологияга мувофиқлигини баҳолаш;

ишлаб чиқариш учун таклиф этилаётган маҳсулотнинг нарх ва сифат тавсифлари бўйича рақобатбардошлиги даражасини баҳолаш, маҳсулотни сотишнинг узоқ муддатли бозорини чуқур ишлаб чиқиш;

маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойиҳаларини баҳолаш, шунингдек конлар ёки ер ости участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия олиш учун талаблар асосида амалга оширилади.

4. Бюронинг лойиҳа бўйича тавсияларини тайёрлаш экспертиза натижаларини умумлаштириш асосида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси хулосаси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

5. Экспертизанинг тавсиялари:

иқтисодиётнинг тегишли базавий тармоқларида фан ва технологияни ривожлантириш истиқболларини, фан-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқларини қўллаш даражасини, моддий-техника, энергетика ресурслари ва ресурсларнинг бошқа турларидан мақбул фойдаланиш даражасини ҳисобга олиши;

тавсияларда техник, технологик ва ташкилий лойиҳа ечимларининг иқтисодий самарадорлиги, фойдаланишнинг ишончлилиги баҳоланган бўлиши;

импорт хом ашёдан фойдаланиш билан боғлиқ янги қувватларни ташкил этишнинг эҳтимол тутилган оқибатларини ва маҳсулот истеъмоли бозорлари конъюктурасининг ўзгаришини ҳисобга олиши;

марказлаштирилган (бюджет) манбалар ёки Ҳукумат кафолати остида хорижий кредитларни, шунингдек корхоналарнинг ўз маблағларини жалб этиш ҳисобига лойиҳа ташаббускори томонидан қўйилаётган ресурсларнинг самарадорлиги тўғрисида ваколатли молия ва банк органларининг хулосаларига мувофиқ молиявий ва иқтисодий ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини (ҳар хил вариантлар асосида), ин-

вестиция қилинадиган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатлари асосланганлигини, лойиҳанинг қопланувчанлигини (ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати ва унинг мамлакат ичида ва экспортга сотилиши шартлиги) ва барқарор фойда олинишини тасдиқлаши;

экспертиза натижалари бўйича лойиҳани тасдиқлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган ёки қўйиладиган талабларга мувофиқ эмаслиги туфайли лойиҳани рад этиш тўғрисидаги хулосаларни ўз ичига олиши керак, унда лойиҳа ечимларини қайта ишлаш бўйича таклифлар кўрсатилиши лозим.

6. Заруриятбўлганда Бюро ўз ваколатига кирадиган баҳолаш мезонлари асосида аниқ бир лойиҳанинг мақсадлари ва вазифаларига энг мақбул ва самарали эришилишини таъминлайдиган муқобил таклифларни ишлаб чиқади.

## IV. Бюронинг мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция таклифлари лойиҳаларига оид тавсияларини кўриб чиқиш тартиби

1. Тайёрланган тавсиялар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Бюро директори томонидан ёзма равишда ахборот берилади.

Шу билан бир пайтда Вазирлар Маҳкамаси тегишли комплексининг хулосаси ҳам кўриб чиқилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, қарор ижобий бўлган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Қарори ва Фармойиши ёки Ҳукумат қарори лойиҳаси мазкур Низом II бобининг 2-бандида кўрсатиб ўтилган барча зарур ҳужжатлар ҳамда Бюро тавсиялари билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Давлат маслаҳатчиси хизматига тақдим этилади ёхуд қарор салбий бўлган тақдирда — лойиҳани пухта ишлаб чиқиш учун Бош вазир ўринбосари — комплекс раҳбарига ва лойиҳанинг асосий ишлаб чиқувчисига қайтарилади.

3. Бюрода тавсиялар тайёрланган мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция таклифлари лойиҳалари бўйича тизимли асосда маълумотлар банки йиғиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепцияларни экспертизадан ўтказиш
## СХЕМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 22 майдаги 91-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча**

1-банд қуйидаги таҳрирдаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Қуйидагилар:

а) мақсадли давлат дастурлари, концепцияларга киритилган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки Қарори, шунингдек Ҳукумат қарори қабул қилинишини талаб этадиган инвестиция лойиҳалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилиши назарда тутиладиган инвестиция лойиҳалари;

в) марказлаштирилган манбалар ресурслари ҳисобига ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари;

г) маҳсулот тақсимотига оид битимларга мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида экспертизадан ўтказилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 181 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 22 май,
92-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ундириладиган хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкаларида:

а) IV бўлимда:

3-банддаги «(тижорат банклари филиаллари — 500 АҚШ доллари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) «Божлар, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларни тўлашдан тушадиган валюта тушумларини тақсимлаш жадвали»нинг 1 ва 13-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 июлдаги 296-сон қарорининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга улар томонидан автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташиш фаолияти амалга оширилиши учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш ҳуқуқи берилсин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил ҳосили мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 августдаги 338-сон қарорида:

а) 4, 7-бандлар, қарорга 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 9-банддаги «юқорида баён қилиб ўтилган Тартибга мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 14-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки:

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан товарларни нақдинасиз ҳисоб-китоб бўйича фақат:

юридик шахсларга;

тегишли рухсат берувчи гувоҳномаларга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга (кичик туркумлар билан);

махсус истеъмолчиларга, давлат таъминотидаги муассасаларга, давлат таъминотидаги муассасаларни таъминловчи ихтисослаштирилган савдо фирмаларига ҳамда улардан ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланувчи корхоналарга улгуржи сотилади;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни ўз фирма дўконлари орқали фақат белгиланган намуналардаги назорат-касса машиналаридан фойдаланган ҳолда чакана сотишлари мумкин».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3.3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Корхонани ихтиёрий равишда тугатиш ҳақида қарор қабул қилган ёки корхонани тугатиш вазифаси уларга суд қарори билан юкланган корхонанинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органи рўйхатдан ўтказувчи органга тугатишни амалга ошириш тартиби ва муддатларини кўрсатган ҳолда уни тугатиш тўғрисидаги қарорни тақдим этадилар. Корхонани тугатиш вазифаси суд қарори билан корхонанинг муассисларига (қатнашчиларига) ёки таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган органига юкланган тақдирда улар рўйхатдан ўтказувчи органга тугатиш комиссияси аъзолари тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этадилар»;

б) 3.6-бандга қуйидаги таҳрирдаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«Корхона ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда оралиқ тугатиш балансини рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш талаб этилмайди»;

в) 3.8-бандга қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Корхона ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда тугатиш балансини рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш талаб этилмайди».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 августдаги 387-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 47-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс шаклида ташкил этилади»;

б) қарорга 1-иловада:

2.1-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2.2, 2.3 ва 6.3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6.4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6.4. Бюджетга солиқлар тўланмаганлиги ва ўз вақтида тўланмаганлиги учун автомобиллар тўхташ жойлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига 2-илованинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда):

а) 3-банддаги «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади. Лицензия белгиланган намунадаги махсус бланкада расмийлаштирилади (мазкур Низомга 2-илова)»;

в) V бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«V. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби»;**

г) 14, 15, 16, 17, 18, 19 ва 20-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 23-банддаги «Амал қилиш муддати тугамаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 38-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «унинг амал қилиш муддати» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидаги «узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

ё) Низомга 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

НАМУНА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**

**Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия**

Серия ________ № _________
Тошкент шаҳри 200__ йил «___» ___________

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 200__ йил «____» __________даги буйруғига мувофиқ ______________________________________________

______________________________________________________________
(аудиторлик ташкилотининг номи)

______________________________________________________________ га
(аудиторлик ташкилотининг почта манзили, СТИР ва бошқа реквизитлари)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилади.

**Ваколатли шахснинг имзоси**
**М.Ў.»**

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялар бланкалари тайёрлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил

20 декабрдаги 488-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 78-модда),

а) қарорга 1-илова 3-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиянинг амал қилиш муддати (амал қилиши чекланган муддатга бериладиган лицензиялар учун)»;

б) қарорга 2-илова 7-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензияларнинг амал қилиш муддатлари (амал қилиши чекланган муддатга бериладиган лицензиялар учун);

лицензияларни қайта расмийлаштириш уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш (амал қилиши чекланган муддатга бериладиган лицензиялар учун), амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва тиклаш асослари ва саналари».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензияланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензия бланкасини ҳамда лицензиялар бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисобдан чиқариш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига 1-илованинг «Лицензиянинг амал қилиш муддати __________» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиянинг амал қилиш муддати ______________________________»
(аниқ муддат ёки амал қилиш муддати чекланмаган)

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатида:

а) «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» бўлимининг ўн учинчи— ўн бешинчи, йигирманчи, йигирма биринчи ва йигирма еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

б) «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси» бўлимидан кейин қуйидаги мазмундаги бўлимлар қўшилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси**

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш.

Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.

Баландликларда саноат алпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги**

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш.

**«Ўзстандарт» агентлиги**

Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш.

в) қуйидаги мазмундаги бўлим қўшилсин:

Улгуржи савдо».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида» 2002 йил 21 ноябрдаги 402-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги битимларда ва фаолият шартларида муайян даврда корхона ихтисослашувини сақлаб туриш мажбурияти мавжуд бўлган тақдирда, кўрсатиб ўтилган даврда хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолият йўналишини ўзгартириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда):

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қарорга иловада:

1-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом савдо фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ягона ёндашувлар ва талабларни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда юридик шахслар томонидан улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш, шунингдек жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан чакана савдони амалга ошириш тартибини белгилайди»;

2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«**улгуржи савдо** — тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш»;

II бўлим номидаги «рўйхатдан ўтказиш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Улгуржи савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар, фақат улар давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олган тақдирда, шуғулланишлари мумкин»;

4—9-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

12-банднинг иккинчи хатбошидаги «рухсат гувоҳномаси» сўзлари «лицензия» сўзи билан алмаштирилсин;

III бўлим номидаги «рўйхатдан ўтказиш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

13—18-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

21-банднинг учинчи хатбошидаги «чакана савдони амалга ошириш учун рухсат гувоҳномасига эга бўлишлари керак» сўзлари чиқариб ташлансин;

1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Суғурталовчи ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

б) 9-банд «а» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги ҳамда «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 14-банднинг биринчи хатбошидаги «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 16-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 22-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи—тўққизинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи—саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 24-банднинг биринчи хатбошидаги «ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

ё) VII бўлим номидаги «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 29-банднинг биринчи хатбошидаги «Амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Чилонзор буюм бозори» очиқ акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 23 январдаги 40-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 11-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «тадбиркорлик субъектлари» сўзлари «якка тартибдаги тадбиркорлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга иловада:

1.2-банднинг иккинчи хатбошига «савдо қилиш ҳуқуқи учун» сўзларидан кейин «(фақат якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан)» сўзлари қўшилсин;

2.1.1-2.1.6-бандлар ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда):

а) 5-банднинг бешинчи хатбошидаги «(амал қилиш муддатини узайтириш)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қарорга иловада:

3-банддаги «лицензиялар муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Биржа фаолиятини амалга ошириш учун лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

7-банд «а» кичик бандининг учинчи хатбошидаги ҳамда «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «ҳамда кўрсатилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

V бўлим номидаги «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

27-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

28-банднинг биринчи хатбошидаги «Амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

34-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

39-банддаги «ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда):

а) қарорга 1-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар»;

3-банднинг ўн иккинчи хатбошига «мувофиқ бўлган тақдирда» сўзларидан кейин «якка тартибдаги тадбиркорларга» сўзлари қўшилсин;

67-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«67. Пиво кучсиз алкоголли маҳсулот ҳисобланади ва V бўлим талаблари пивони сотишга татбиқ этилмайди. Сотиш жойи чекланмасдан пивонинг:

юридик шахслар томонидан;

чакана савдога рухсатнома бўлган тақдирда жисмоний шахслар томонидан сотилишига йўл қўйилади»;

б) қарорга 2-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Умумий овқатланиш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъект — бу умумий овқатланиш соҳасида кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича функцияларни бажарувчи юридик шахсдир*»;

9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Умумий овқатланиш савдо объектларининг иш режими, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, мустақил равишда, саноат корхоналари,муассасалар, ўқув юртлари ҳузуридаги умумий овқатланиш корхоналарининг иш режими эса — маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

26-бандда:

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«стандартлар, техник шартлар талабларига жавоб бермайдиган товарларни, маҳсулотларни сотиш, маҳаллий йиғимларни тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик»

тўққизинчи ва ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда):

а) 3-банддаги «уларнинг муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

в) 8-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «ҳамда кўрсатилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 17-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) V бўлим номидаги «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ё) 29-банднинг биринчи хатбошидаги «Амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 35-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) 38-банддаги «ёки унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда):

а) қарорга 1-иловада:

6-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

10-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қарорга 2-иловада:

6-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

10-банд «а» кичик бандидаги «ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

б) 9-банд «а» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «ва фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 22-банднинг биринчи хатбошидаги «уларнинг муддатларини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 24-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) V бўлим номидаги «унинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 34-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ё) 35-банднинг биринчи хатбошидаги «Амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 40-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) 42-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда):

а) қарорга 1-иловада:

6-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

11-банднинг «а» кичик бандидаги «ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қарорга 2-иловада:

5-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

10-банднинг «а» кичик бандидаги «ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарори (Ўзбекис-

тон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошидаги «ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

б) 12-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари 61-бандининг иккинчи хатбошига «рухсат гувоҳномасига эга бўлган» сўзларидан кейин «(фақат якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан)» сўзлари қўшилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда):

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича тегишли кичик комиссияларга эга бўлган Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузилсин»;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки:

Комиссия фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш бўйича кичик комиссияларнинг, шунингдек «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси, «Дававиаоназорат» инспекциясининг авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштиришни ва уларга умумий раҳбарликни ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади, лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

кичик комиссиялар лицензия талабгорларидан тегишли ҳужжатлар билан аризаларни қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосалар ва комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва қайта тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилади. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси, «Дававиаоназорат» инспекцияси тегишли кичик комиссияларнинг ишчи органлари функциясини бажаради;

автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарлараро, халқаро ташиш, йўловчиларни ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан қабул қилинади;

автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш,

тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан қабул қилинади;

Тошкент шаҳрида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан қабул қилинади;

в) қарорга 1-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Транспорт соҳасидаги» сўзлари «Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

35-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) қарорга 2-иловада:

4-банднинг биринчи хатбошидаги «Транспорт соҳасидаги» сўзлари «Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

35-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) қарорга 3-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Транспорт соҳасидаги» сўзлари «Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

33-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) қарорга 4-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Транспорт соҳасидаги» сўзлари «Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

33-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ё) қарорга 5-иловада:

3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарлараро, халқаро ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан қабул қилинади;

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарлараро, халқаро ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Агентликда эксперт комиссияси тузилади. Эксперт комиссияси фаолияти Агентлик томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

4. Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Агентликнинг ҳудудий бўлинмаси томонидан қабул қилинади.

Агентлик автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан мазкур Низомда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиниши учун жавоб беради»;

5-банднинг ўн бешинчи хатбошидаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

6-банд биринчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

7-банднинг «б» кичик бандидаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

8-банднинг «а» кичик бандидаги «ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлар Агентлик (Агентлик ҳудудий бўлими)нинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг бир нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади);

13-банд биринчи хатбошининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари намунаси Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади»;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Юридик ёки жисмоний шахсга — лицензия талабгорига автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Агентлик лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади»;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиялар Агентлик бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади»;

16-банддаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

18-банднинг иккинчи хатбошидаги «кичик комиссия ва/ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўн» сўзи «беш» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

20-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳудудий комиссия» сўзлари «Агентликнинг ҳудудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи—еттинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи—бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «ҳудудий комиссия раиси (унинг ўринбосари)» сўзлари «Агентлик ҳудудий бўлимининг бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Ҳудудий комиссия» сўзлари «Агентликнинг ҳудудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг иккинчи хатбошидаги «кичик комиссия ва/ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

24-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўн» сўзи «беш» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

30-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади ёки судга мурожаат қилади»;

31, 32 ва 33-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Агентлик (ҳудудий бўлим)нинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Агентлик (ҳудудий бўлим) лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади;

33. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади».

36-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

1-иловада:

2-босқич қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | Агентлик | 1. Масъул шахс ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, унинг нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). | — ҳужжатлар қабул қилинган кунда; |
| | | 2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. | — ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда; |
| | | 3. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгорлари томонидан бартараф этилгандан кейин ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни кўриб чиқади. | — ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 5 кун мобайнида. |

»

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқич деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг тўртинчи позициясидаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг еттинчи позициясидаги «Комиссия раиси» сўзлари «Агентлик бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

2-босқич қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | Агентликнинг ҳудудий бўлими | 1. Ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, унинг нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).<br><br>2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. | — ҳужжатлар қабул қилинган кунда;<br><br>— ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда; (ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 5 кун мобайнида). |

»

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқич деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг тўртинчи позициясидаги «ҳудудий комиссия» сўзлари «Агентликнинг ҳудудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг еттинчи позициясидаги «Комиссия раиси» сўзлари «Агентлик бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устунининг олтинчи позициясидаги «ҳудудий комиссия» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Субъектлар» устунининг еттинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агентлик ҳудудий бўлимининг бошлиғи»;

ж) қарорга 6-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Дарё транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Агентликда эксперт комиссияси тузилади. Эксперт комиссияси фаолияти Агентлик томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

8-банднинг «а» кичик бандидаги «ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлар Агентликнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг бир нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади);

12-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ўттиз» сўзи «ўн беш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

14-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

15-бандда:

биринчи хатбошининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия бланкалари намунаси Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади»;

учинчи хатбошидаги «Комиссия раиси» сўзлари «Агентлик бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

17-банднинг иккинчи хатбошидаги «кичик комиссия ва/ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўн» сўзи «беш» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

V бўлимнинг номидаги «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

24-банднинг биринчи хатбошидаги «амал қилиш муддати тугамаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

25-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади ёки судга мурожаат қилади»;

26, 27 ва 28-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Агентликнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Агентлик лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

27. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

28. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади»;

29-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи—ўн биринчи хатбоши тегишли равишда олтинчи—ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

31. Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини амалга

оширишга лицензия берилганлиги учун давлат божи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади.

Лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари Агентликнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, унинг 75 фоизи республика бюджетига йўналтирилади, қолган маблағлардан Агентлик томонидан белгиланган тартибда шаҳар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришда фойдаланилади, маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган сметага мувофиқ Агентлик харажатига сарфланадиган қисми бундан мустасно.

иловада:

2-босқич қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | Агентлик | 1. Масъул шахс ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, унинг нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).<br>2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.<br><br>3. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгорлари томонидан бартараф этилгандан кейин ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни кўриб чиқади. | — ҳужжатлар қабул қилинган кунда;<br><br>— ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда;<br>— ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 5 кун мобайнида. |

»

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқич деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг тўртинчи позициясидаги «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг еттинчи позициясидаги «Комиссия раиси» сўзлари «Агентлик бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) қарорга 7-илова изоҳларининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат божининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг давлат божини тўлаш кунида белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда беш йилга (йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш бундан мустасно) белгиланган. Давлат божи лицензиянинг амал қилиш даврида ҳар йили тенг улушларда тўланиши мумкин (йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш учун тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас). Бунда ҳар йилги навбатдаги тўлов лицензиядан фойдаланишнинг навбатдаги йили бошланишидан камида 30 кун олдин амалга оширилади. Навбатдаги тўлов белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилади».

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 87-модда):

а) қарорга 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳол-

ларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда матнда «Даварxитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун «Даварxитектқурилиш» қўмитасида эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг фаолияти «Даварxитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлар «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади)»;

12-бандда:

иккинчи хатбошида «ўттиз кундан» сўзлари «ўн беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

15-бандда:

биринчи хатбошининг иккинчи гапи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия бланкалари намуналари «Даварxитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади;

иккинчи хатбошида «Комиссия» сўзи «Даварxитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда: «Комиссия» сўзи «Даварxитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг иккинчи хатбошидан «ишчи гуруҳ ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-бандда:

«ўн кундан» сўзлари «беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларни тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

28-банднинг биринчи хатбошидан «Даварxитектқурилиш» қўмитаси сўзлари чиқариб ташлансин;

29 ва 30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади»;

Низомга 2-иловада:

«Субъектлар» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давархитектқурилиш» қўмитаси:

«Тадбирлар» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

3. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни кўриб чиқади»;

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқичлар деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг еттинчи позицияда «Комиссия» сўзи «Давархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг еттинчи позицияда «Комиссия» сўзи «Давархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга 2-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда матнда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитасида эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг фаолияти «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлар «Давархитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади)»;

12-бандда:

иккинчи хатбошида «ўттиз кундан» сўзлари «ўн беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

15-бандда:

биринчи хатбошининг иккинчи гапи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия бланкалари намуналари «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади;

иккинчи хатбошида «Комиссия» сўзи «Давархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда «Комиссия» сўзи «Давархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг иккинчи хатбошидан «ишчи гуруҳ ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-бандда:

«ўн кундан» сўзлари «беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

28-банднинг биринчи хатбошидан «Даврархитектқурилиш» қўмитаси сўзлари чиқариб ташлансин;

29 ва 30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади»;

иловада:

«Субъектлар» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Даврархитектқурилиш» қўмитаси:

«Тадбирлар» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

3. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни кўриб чиқади»;

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқичлар деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг тўртинчи позицияда «Комиссия» сўзи «Даврархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг тўртинчи позицияда «Комиссия» сўзи «Даврархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга 3-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензияларни бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда матнда «Даврархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун «Даврархитектқурилиш» қўмитасида эксперт комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссиясининг фаолияти «Даврархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

9-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлар «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади)»;

12-бандда:

иккинчи хатбошида «ўттиз кундан» сўзлари «ўн беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

15-бандда:

биринчи хатбошининг иккинчи гапи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия бланкалари намуналари «Даврархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади»;

иккинчи хатбошида «Комиссия» сўзи «Даврархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда: «Комиссия» сўзи «Даврархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг иккинчи хатбошидан «ишчи гуруҳ ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-бандда:

«ўн кундан» сўзлари «беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

26-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларни тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

28-банднинг биринчи хатбошидан «Даврархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

29 ва 30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади»;

иловада:

«Субъектлар» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Даврархитектқурилиш» қўмитаси»:

«Тадбирлар» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг масъул шахси ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

3. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни кўриб чиқади»;

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқичлар деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг тўртинчи позициясида «Комиссия» сўзи «Давархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг тўртинчи позициясида «Комиссия» сўзи «Давархитектқурилиш» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) қарорга 4-иловада:

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) қарорга 5-иловада:

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) қарорга 6-иловада:

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда) билан тасдиқланган Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 4-бандида «кўрсатилган муддатга берилади» сўзлари «кўрсатилган муддатга, бироқ камида 5 йил муддатга берилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 106-модда):

а) қарорга 1-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошидан «уларнинг муддатларини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Юридик ва жисмоний шахсларга тиббий фаолиятни амалга оширишга лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади.

Давлат муассасалари учун лицензиялар муассасанинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган тиббий фаолият турига берилади»;

10-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

18-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

V бўлимнинг номидан «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

26-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

27-банднинг биринчи хатбошидан «амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

32-банднинг «г» кичик банди чиқариб ташлансин;

б) қарорга 2-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошидан «уларнинг муддатларини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Юридик ва жисмоний шахсларга лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

10-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидан «ҳамда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури (унинг бир қисми) амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

V бўлимнинг номидан «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

22-банднинг биринчи хатбоши иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

30-бандда:

«г» кичик банд чиқариб ташлансин;

«е» кичик банддан «узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

32-банддан «ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик» сўзлари чиқариб ташлансин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидан «уларнинг муддатларини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

в) 9-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

17-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) V бўлимнинг номидан «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 24-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ё) 25-банднинг биринчи хатбошидан «амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 32-банднинг «г» кичик банди чиқариб ташлансин;

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 113-модда) билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Туризм фаолиятини амалга оширишга лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 14-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) V бўлимнинг номидан «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 24-банднинг биринчи хатбошидан «амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

ё) 31-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи—тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи—саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидан «узайтириш» сўзи чиқариб ташлансин;

ж) 34-банддан «ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 114-модда):

а) қарорга 1-иловада:

4-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

8-банднинг «а» кичик банди учинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) қарорга 2-илованинг 6-банди иккинчи гапи чиқариб ташлансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 503-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 115-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-банддан: «(амал қилиш муддатини узайтириш)» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга оширишга лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади»;

в) 9-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 14-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) V бўлимнинг номидан «уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 24-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ё) 25-банднинг биринчи хатбошидан «амал қилиш муддати ўтмаган» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 32-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи—ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи—ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидан «узайтириш» сўзи чиқариб ташлансин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 504-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 119-модда) билан тасдиқланган Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 11-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 121-модда) билан тасдиқланган Таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 8-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 11-сон, 124-модда):

а) қарорга 1-иловада:

8-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

74-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) қарорга 2-иловада:

7-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

70-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) қарорга 3-иловада:

7-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

56-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 12-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 7-банди йигирма учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қурилиш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялайди, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасида лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функциясини бажаради, унинг қарорларига кўра лицензияларни расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туради ҳамда лицензияларнинг амал қилишини тиклайди».

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 2 декабрдаги 539-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 12-сон, 129-модда):

а) 1-банднинг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) қарорга 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Лицензиялар бериш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарор «Ўзстандарт» агентлиги (кейинги ўринларда матнда Агентлик деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Агентликда эксперт комиссияси ташкил этади. Эксперт комиссиясининг фаолияти Агентлик томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади»;

5-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

7-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳужжатлар Агентликнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади)»;

11-бандда:

иккинчи хатбошида «ўттиз кундан» сўзлари «ўн беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи—бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

13-бандда:

биринчи хатбошининг иккинчи гапи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензия бланкалари намуналари Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади;

иккинчи хатбошида «Комиссия раиси» сўзлари «Агентликнинг бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандда: «Комиссия» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

16-банднинг иккинчи хатбошидан «ишчи гуруҳ ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

18-бандда:

биринчи хатбошида «ўн кундан» сўзлари «беш кундан» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

25-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияларни тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш»;

27-банддан «Комиссия қарорига кўра» сўзлари чиқариб ташлансин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Агентликнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Агентлик қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, агентлик лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради»;

Низомга 2-иловада:

2-босқич қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2-босқич | «Ўзстандарт» агентлиги | 1. Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Агентликнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). | 1) ҳужжатларни қабул қилиш кунида |

| | | |
|---|---|---|
| | 2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.<br><br>3. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия бартараф этилгандан кейин лицензия талабгорлари томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда ҳужжатларни кўриб чиқади. | 2) ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда<br><br>3) ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 5 кун мобайнида |

»;

3-босқич чиқариб ташлансин;

4—7-босқичлар тегишли равишда 3—6-босқичлар деб ҳисоблансин;

«Тадбирлар» устунининг тўртинчи позициясида «Комиссияга» сўзи «Агентликка» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Субъектлар» устунининг еттинчи позициясида «Комиссия раиси» сўзлари «Бош директор» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 11 февралдаги 67-сон қарорига илованинг 1-банди иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 6-банди иккинчи гапи чиқариб ташлансин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 5-банди иккинчи гапи чиқариб ташлансин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 9-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 27-модда):

а) 1-банднинг олтинчи хатбошида «ташкил этиш» сўзлари «амалга ошириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга 4-иловада:

7-банднинг олтинчи хатбошида «ташкил этиш» сўзлари «амалга ошириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг «д» кичик бандида «ташкил этади» сўзлари «амалга оширади» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 9-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидан «ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 11-банднинг иккинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 6-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг иккинчи гапи чиқариб ташлансин;

б) 9-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошидан «ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) қарорга 16-иловада:

«Вазирлар Маҳкамасининг Транспорт соҳасида фаолиятни лицензиялаш комиссияси таркиби» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Авиация ва темир йўл транспорти соҳасида фаолиятни лицензиялаш комиссияси таркиби» сўзлари билан алмаштирилсин;

Вазирлар Маҳкамасининг Авиация ва темир йўл транспорти соҳасида фаолиятни лицензиялаш комиссияси таркибидан «Абдувалиев А.А. — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи» сўзлари чиқариб ташлансин;

автомобиль ва дарё транспорти соҳасида фаолиятни лицензиялаш бўйича кичик комиссия таркиби чиқариб ташлансин;

б) қарорга 20-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори (Ўзбекис-

тон Республикаси ҚТ., 2004 й., 8-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомнинг 8-банди «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда лицензиялайди, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назорат қилади, шунингдек лицензиялар реестрини юритади»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 10-сон, 100-модда) 2-илованинг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 23. | Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги | Автомобиль ва дарё транспортида йўловчилар ва юк ташишга лицензиялар берилганлиги ва автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташишга лицензияларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлик учун давлат божи | 25 |

»;

53. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2005 й., 12-сонлар, 68-модда) билан тасдиқланган Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 11-банди иккинчи хатбошидан «ва ушбу фаолият тури амалга ошириладиган муддат» сўзлари чиқариб ташлансин.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

### 182 Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 майда 1238-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2006 йил 29 майдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–3678-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–244-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 мартдаги 43, 2003-37-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 131-модда; 2005 й., 15-16-сон, 125-модда; 40-сон, 312-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
17-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 24 февраль,
2006-16-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 183 Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзмевасабзаватузумсаноат-холдинг» Холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 майда 1526-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 2 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ—255-сонли «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 6 ноябрдаги 103 ва 2005-65-сонли «Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» Холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва ушбу қарор билан тасдиқланган низомнинг (2005 йил 30 ноябрь, рўйхат рақами 1526 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 361-модда) номланиши ва матнида «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» жумласи «Ўзвиносаноат» жумласига алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 17 май,
45-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 17 май,
2006-22-сон

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

## 184 Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 майда 1574-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 2 июндан кучга киради)*

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. «Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидалари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу буйруқни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамга қолдирилсин.

**«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи Р. САИДОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 14 февраль,
26-сон

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

## 185 Фойдали қазилмаларни майдалаш, саралаш, бойитиш ҳамда руда ва концентратларни бўлаклашда ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 майда 1575-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 2 июндан кучга киради)*

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. «Фойдали қазилмаларни майдалаш, саралаш, бойитиш ҳамда руда ва кон-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

центратларни бўлаклашда ишларнинг хавфсизлиги қоидалари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамга қолдирилсин.

**«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи Р. САИДОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 14 февраль,
27-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 186 Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 майда 1304-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 3 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 3, 7, 17 ва 51-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Фоизларни ўстирмалик тўғрисида»ги низомга (2004 йил 24 январь, рўйхат рақами 1304) қўшимча ва ўзгартиришлар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун муддат ичида кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 20 апрель,
10/11-сон

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 187 Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 24 майда 1271-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 3 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона брокери тўғрисидаги низомга (2003 йил 15 сентябрь, рўйхат рақами 1271 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 17-18-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 3 апрель,
01-02/20-4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 13 майдан 26 майгача бўлган маълумот

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 17, 2006-16-сон қарори.*

***2006 йил 19 майда 1238-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 29 майдан кучга киради).***

2. «Алкоголли маҳсулотга тўланадиган акциз солиғининг бир қисмини ҳисоблаб чиқариш ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» Холдинг компаниясининг реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармасига йўналтириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 17 майдаги 45, 2006-22-сон қарори.*

***2006 йил 23 майда 1526-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 2 июндан кучга киради).***

3. «Электр пайвандлаш ишларида ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 14 февралдаги 26-сон буйруғи.*

***2006 йил 23 майда 1574-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 2 июндан кучга киради).***

4. «Фойдали қазилмаларни майдалаш, саралаш, бойитиш ҳамда руда ва концентратларни бўлаклашда ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 14 февралдаги 27-сон буйруғи.*

***2006 йил 23 майда 1575-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 2 июндан кучга киради).***

5. «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 20 апрелдаги 10/11-сон қарори.*

***2006 йил 24 майда 1304-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 июндан кучга киради).***

6. «Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 3 апрелдаги 01-02/20-4-сонли қарори.*

*2006 йил 24 майдан 1271-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 3 июндан кучга киради).*

## *Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар аниқланди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 19 февралдаги 05/552-сон хати.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 июндаги 02-01/155, 22-5716-сон хати.

3. Чиқиндиларни тўплаш (кўмиш) учун рухсатнома бериш тартиби (РД-11800027719.1-91). *(Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган).*

4. Атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш учун рухсатнома бериш тартиби (РД-118.0027714.32-94). *(Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган).*

5. Махсус сувдан фойдаланиш учун келиш ва рухсатнома бериш тартиби (РД 118.0027714.6-92). *(Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган).*

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимномалар киритилди.**